

"Андижон биокимё заводи" АЖ
Кузатув кенгашининг
2016 йил 2 ноябрдаги 5-сонли
мажлис қарори билан
"ТАСДИҚЛАНГАН"


А.К. Гаффоров

**"Андижон биокимё заводи" АЖнинг
"Ҳомийлик қилиш ва беғараз ёрдам кўрсатиш тартиби
тўғрисида"ги
Н И З О М**

Андижон – 2016 й.

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Ҳомийлик қилиш ва беғараз ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом (Кейинги ўринларда – Низом) "Андижон биокимё заводи" АЖ томонидан Ҳомийлик ва беғараз ёрдами сифатида маблағларни ажратиш тартиби ва тамойилларини аниқлайди. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

Беғараз ёрдам (хайрия) – жамият томонидан беғараз ёки имтиёзли шартлар асосида жисмоний ва юридик шахсларга мол-мулк, шу жумладан пул кўринишдаги маблағларни ўтказиб бериш, беғараз хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш ёки бошқа шаклда қўллаб-қувватлаш ҳаракатларни амалга ошириш.

Ҳомийлик ёрдами – жамият томонидан жамият тўғрисидаги рекламани жойлаштириш (тарқатиш) шarti билан ҳомийланувчи ҳисобига пул кўринишидаги маблағларни (шу жумладан мол-мулк шаклида) ажратиш ва хизмат кўрсатиш.

Ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатли орган (кейинги ўринларда «Ваколатли орган») – ҳомийлик ва беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича масалаларни кўриб чиқиш учун ваколатли орган.

1.2. Ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс жамиятга ҳомийлик ёки беғараз ёрдам сўраб муурожаат этишга ҳақлидир.

II. Ҳомийлик ва беғараз ёрдамнинг миқдори ва йўналишлари.

2.1. Ҳомийлик ва беғараз ёрдамнинг миқдори қонунчилик ва жамият уставида белгиланган миқдорларда кўрсатилади.

2.2. Ҳар йилги ҳомийлик ва беғараз ёрдами ажратиладиган йўналишлар (олувчилар) ва уларнинг ҳар бирига ўтказиб бериладиган маблағлар миқдори жамиятнинг бизнес-режасида кўрсатилиб, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

2.3. Бизнес-режада кўрсатилган йўналишлар бўйича 5 млн.сўмгача бўлган миқдорда ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор жамият ижроия органи томонидан қабул қилинади.

2.4. Бизнес-режа билан тасдиқланмаган ҳолатлар бўйича ижроия органи ҳомийлик ва беғараз ёрдами кўрсатишни рад қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда, жамият ижроия органи мажлиси бу масалаларни кузатув кенгаши муҳокамасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

III. Ҳомийлик ва/ёки беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш тартиби

3.1. Ҳомийлик ва/ёки беғараз ёрдам кўрсатиш сўралган аризалар юридик ва жисмоний шахслар томонидан почта, электрон коммуникация воситалари ёки аризани шахсан топшириш орқали жамиятга келиб тушиши мумкин.

3.2. Келиб тушган аризалар кирим қилингандан сўнг жамият ижроия органи раҳбарига кўриб чиқиш учун киритилади.

3.3. Ижроия органи раҳбари келиб тушган аризаларни ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш мақсадида бошқарув мажлисини чақиради. Бундай мажлислар заруриятга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир марта чақирилади.

3.4. Мажлис котиби ҳомийлик ва/ёки беғараз ёрдам сўралган аризалар асосида кун тартибини шакллантиради.

3.5. Бундай аризаларни кўриб чиқиш учун мажлис кворуми 75 фоиздан кам бўлмаслиги шарт.

3.6. Ижроия органи ҳомийлик ва/ёки беғараз ёрдам кўрсатиш ёки рад қилиш тўғрисидаги қарорларни коллегиял равишда қабул қилади. Ҳар бир масала бўйича қарор мажлисда қатнашаётган барча аъзолар томонидан бир овоздан қабул қилиниши лозим.

3.7. Мажлис котиби мажлис якуни билан баённома расмийлаштирилишини ва мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан имзоланишини таъминлайди.

3.8. Мажлис қарорига асосан ўтказиладиган маблағларни ўз вақтида тўлаб беришни таъминлаш жамият бош ҳисобчиси зиммасига топширилади.

IV. Якуний қоидалар

4.1. Жамият томонидан кўрсатилган ҳомийлик ва/ёки беғараз ёрдамлар тўғрисидаги ахборот жамиятнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилиши лозим. Бундай маълумотларни жойлаштириш

тижорат сириси ва/ёки конфиденциал ахборот тўғрисидаги талабларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

4.2. Мазкур Низом ва унга киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

4.3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилганда мазкур Низомнинг айрим бандлари бўйича зиддиятлар юзага келган тақдирда, ушбу моддалар кузатув кенгаши томонидан тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар ўз кучини йўқотади.

4.4. Киритилган ўзгартиришлар кучга киргунга қадар, ижроия органи аъзолари амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳаракат қиладилар.

ПРОШНУВАНО
и прономеровано 4-листа.
Председател на наблюдателного совета
АО «Анжисон биокиме завод»
А. Гафоров

